

Ўзбекистон «Адолат» СДП учун адолатлилик ғояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, «Адолат — қонун устуворлигида» тамойилини амалиётга янада кенг жорий этиш устувор йўналиш бўлиб қолаверади.

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

Ўзбекистон «Адолат» сotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 49 (1009) • 2014-yil, 5-dekabr, juma

Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги — тараққиёт кафолати

Эътироф

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 119-Чироқчи сайлов округидан 25 ёшли Хушнуд Худайбердиевни номзод этиб кўрсатди! Республикамиз касаб-ушмалари Федерацияси Тошкент вилоят касаб-ушмалари ташкилоти бирлашмаси юридик бўлимининг етакчи консультанти бўлиб ишлаётган ёш номзодимиз тимсолида партиямиз бугунги кун ёшларига ишончи катта эканлигини яна бир бор амалда намоён этмоқда.

Дарҳақиқат, ҳар қандай жамият тараққиётида авлодлар алмашинуви ва ворисийлик жуда катта, таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ҳар бир давр жамият олдига янги-янги вазифалар қўяди, олдинги авлод эришган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш муҳим вазифа сифатида кун тартибига чиқади. Илмий тафаккурнинг ўсиши, фан-техниканинг ривож топиши, жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллиги, масъуллиқ ва ташаббускорлик туйғуларининг кучайиши у ёки бу вазифанинг долзарблигини таъминлайди. Бундай шароитда баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор берган, навқирон йигит-қизларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб етишишлари учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб берган жамият ривожланишда давом этади, фуқаролар турмуш тарзида фаровонлик, тинчлик-тотувликка эришилади.

Жамият ҳаётини юксалтириш, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий куч-қудратини оширишда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, ўқув жараёнини замонавий талабларга мос равишда олиб

бориш, шу билан бирга, ёшларнинг назарий билимларини амалий кўникмалар билан уйғунлаштириш алоҳида ўрин тутади. Чунки миллий тараққиётга илм-фан чўққиларини эгаллаган, қалбда Ватан туйғуси жўш урган, истиқлол ғояларига садоқатли, юртнинг фаровон келажагига ишончи мустаҳкам ёшларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги, мустақил фикрлаш даражаси, Ватан равнақи учун масъуллиқни чуқур ҳис этиши орқалигина эришиш мумкин.

Шу боисдан ҳам ёш авлод тарбияси, уларнинг янгича дунёқараши мустақилликка эришган ҳар қандай жамият учун беқийс аҳамиятга эга. Миллий равнақ, иқтисодий барқарорлик, биринчи навбатда, жамиятдаги тинчлик-тотувлик, катта ҳаёт оstonасига қадам қўяётган ёшларнинг замонавий билимларни чуқур эгаллагани, дунёқарашининг тўғри шаклланиши, ўтмиш аجدодлар меросидан баҳрамандлиги ва улар тажрибасига таяниб, мамлакатнинг илмий, иқтисодий, маданий-маърифий салоҳиятини мустаҳкамлаш йўлидаги азму қарори билан бевосита боғлиқ.

5

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига



Т. Исаев (ЎЗД) олган сурат

БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — инсонларнинг яшаш, меҳнат қилиш, илм олиш, фикрлаш, сайлаш ва сайланиш, никоҳ тузиш, тиббий хизмат турларидан, турар-жой дахлсизлигидан, тил ва эътиқод, сўз эркинликларидан фойдаланиш ҳуқуқларининг асосий кафолатини таъминловчи Асосий Қонун сифатида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий даражага кўтарди. Унда давлат ҳам, жамият ҳам, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида белгилаб қўйилди.

Конституцияимизнинг юқори савияда, инсон ҳуқуқлари бўйича умумэтироф этилган нормалар доирасида, жаҳон амалиёти ва андозалари асосида, ўзбек давлат тарихчилиги анъаналари ҳамда кўп асрлик миллий қадриятларимиз ва маънавий бойликларимиз асосида яратилганлигини, унга дунё зиёлилари томонидан тан олинган машҳур фикршунос, ҳадисшунос, тузуқшунос бобоқалонларимиз ал-Марғиновий, ат-Термизий, ал-Бу-

хорий, Амир Темури, Абдурауф Фитрат ҳамда бошқа алломаларнинг тарихий тажрибалари ва инсонпарварлик ғоялари чуқур сингдирилганлигини унинг ҳар бир моддасидан аңлаш мумкин.

Айрим жиҳатларига тўхталадиган бўлсак, Бош Қомусимизнинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир», деб белгилаб қўйилган. Ўзбек тилининг давлат тили, деб эътироф этилиши давлат мустақил-

лигининг асосий белгиларидан бири бўлиб, миллий ғуруримиз ва ифтихоримиз рамзига айланди.

Республикаимизда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари дўстона ва иноқ ҳаёт кечирмоқдалар. Ушбу дўстлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, бошқа миллатлар тилларини ҳам эъозлаш халқимизга ҳос бағрикенглик намунасидир.

4

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига

15 кун қолди



Ҳаётининг ва халқчил Қомус

Тадбир

Пойтахтимизда «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши томонидан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакатда

фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий кафолати» мавзусида тадбир ўтказилди.

2

Ўқув-семинар

Маблаглардан унумли фойдаланиш тарғибот-ташвиқот ишларининг самарасини белгилайди

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши томонидан жорий йилнинг 2 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар учун «Сайлов жараёнлари учун ажратилган маблаглардан унумли фойдаланиш» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

Унда депутатликка номзодлар учун ажратилган маблаглардан тўлақонли ва мақсадли фойдаланишнинг муҳим аҳамияти, бу борада белгиланган тартиблар, асосан нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида батафсил сўз юритилди. Ўқув-семинар давомида номзодлар ушбу масалада ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Тадбир якунида номзодларга сайловолди тарғибот-ташвиқот мақсадида тайёрланган тарқатма материаллар берилди.

Олий қадриятлар инъикоси

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплексидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, «Адолат» социал-демократик партияси ҳамда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси билан ҳамкорликда давра суҳбати ташкил этилди.

2

Ҳаётӣ ва халқчил Қомус

Давром, Бошиқ 1-бетида

Конституциямиз қабул қилинганнинг 22 йиллигига бағишланган маъруза тадбирда "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис қўйи палатасидаги фракцияси аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар кенгашлари фаоллари, жамоатчилик вакиллари, ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгашининг раиси Наримон Умаров бошқарди ва сўзга чиқди. Н.Умаров таъкидлаганидек, Конституциямиз халқимизнинг бугунги фаровон ҳаёти ва республикамизда барча соҳалар тараққиёти, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш ҳамда эртанги истиқболимизнинг мустақкам ҳуқуқий асосидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши аъзоси Қодир Жўраев Бош Қомусимизнинг юксак кадр-қимматини тобора чуқурроқ аниқлаб бораётганимиз ҳақида сўзлаб, истиқлол йиллари Асосий Қонунимиз ҳар томонлама пухта ва ҳаётӣ ҳужжат эканлигини аққол исботлагани, бу даврда Ўзбекистонда конституциявий давлат



қарор топганлигини алоҳида қайд этди. Утган йиллар давомида Конституциямизга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, Бош Қомусимиз асосида амалга оширилган ислохотлар самараси ўлароқ, Ўзбекистонда макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари сақланиб қолаётганига эътибор қаратди.

Шунингдек, маъруза тадбир доирасида «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши томонидан ёш журналистлар учун ташкил этилган «Қонун устувор бўлган жойда адолат бор» кўрик-танлови ғолибларини тақ-

дирлаш маросими ўтказилди. Унда партиянинг фаолияти ва дастурий ғояларини матбуот ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга фаоллик кўрсатиб, ҳар бири учта ўриндан иборат бўлган бешта йўналиш (матбуот, фотосурат, телевидение, радио, интернет) бўйича ғолиб деб топилган бир гуруҳ журналистларга «Адолат» СДП Сийёсий Кенгашининг дипломлари ва қимматбаҳо совғалар берилди.

Дилором МАТКАРИМОВА, "Адолат" мухбири

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

«Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун»

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Демократик янгиликлар жараёнларида намоян бўлган ижобий ўзгаришлар самараси ўлароқ, аҳолининг турли қатламлари хоҳиш-иродаси ҳамда манфаатларини ифода этаётган юртимиздаги мавжуд сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи юксалиб, таъсирчанлик доираси сезиларли даражада ортди.

"Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун" деган ғояни ўзида мужассам этган янги Сайловдод дастурида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ижтимоий адолат, қонун устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ғоясини илгари суришда давом этиб, адолатлилик ғояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни бош мезон қилиб олган.



Ва бу мезон "Адолат" партиясидан сайланадиган ҳар бир депутатнинг қонунчилик фаолиятида асосий ва бош йўналишига айланиши даркор. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид ислохотларни ривожлантиришни келгусида ҳам қўллаб-қувватлайди.

Адолатлилик ғояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, "Адолат — қонун устуворлигида" тамойилини амалиётга янада кенг жорий этиш "Адолат" СДП учун устувор йўналиш бўлиб қолаверади.

Партия жамиятнинг шаклланиши ва демократлашувиининг муҳим таркибий қисми бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини изчиллик билан таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш, суд ҳокимияти ҳамда адвокатура фаолияти мустақиллигини мустақкамлашга йўналтирилган қонунларнинг ташаббускори бўлади ва уларни қўллаб-қувватлайди.

"Адолат" СДП асосий ижтимоий-иқтисодий муносабатларни фақат қонунчилик йўли билан мувофиқлаштиришга, шунингдек, қонуности ҳужжатларининг сони ва доирасини қисқартиришга интилади. Қонун давлат ва жамиятни бошқаришда асосий восита бўлиши лозим. Қонунларнинг юқори сифати ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмини яратиш, қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ва ҳақиқат ғоялари партия депутатлик корпуси қонунчилик фаолиятининг асосий мезони бўлиб қолади.

Биз, ўз депутатлик корпусимизга таянган ҳолда, нодавлат нотижорат ташкилотларининг (ННТ) соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги долзарб муаммоларни ечишга қаратилган дастурларда кенг иштирок этишини таъминлайдиган шарт-шароитлар яратишига хайрихоҳлик кўрсатамиз.

Хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини, сиёсий, ижтимоий мақомини янада ошириш, иқтидорли ҳамда юқори малакали хотин-қизларни давлат бошқаруви ва сиёсатга фаол жалб этиш ҳам "Адолат" СДП Сайловдод дастурининг йўналишларидан биридир.

Инсон — унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мезонидир. Бу борада эса хотин-қизларнинг салмоқли улуши борлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Чунки, аёл — жамиятда фаол шахс, оилада она, ҳар жабҳада тадбиркор.

Аёлларнинг жамиятни модернизациялаш ва демократик янгилаш жараёнларида фаол қатнашуви, айниқса, сайлов жараёнларида кўзга ташланади. Хотин-қизларнинг арқақлар билан тенг сайлов ҳуқуқи, уларнинг сайлов амалиётида иштирок этиши, уларнинг манфаатлари сайлов кампаниясининг муҳим субъектлари дастурий ҳужжатлари ва фаолиятида тўлиқ акс эттирилиши миллий қонунчилигимизда тўлиқ кафолатланган.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонунга кўра, хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини ташкил этиши кераклиги ҳақидаги мейёр Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистон миллий қонунчилигида акс этган. Ушбу қоидда жорий қилинган кейин бўлиб ўтган сайловларда аввалги сайловга нисбатан икки ярим баравар кўп хотин-қиз парламентга депутат этиб сайланди.

Демак, хотин-қизлар орасидан депутатликка муносибларини аниқлаб, улар номзодини кўрсатиш сиёсий партиялар, шу жумладан, Ўзбекистон "Адолат" СДП зиммасига катта масъулият юклайди. Хотин-қизларни сиёсий жараёнларга янада кенгрок жалб этиш, қонунлар ва қарорлар қабул қилишда уларнинг иштирокини фаоллашти-

риш учун, аввало, аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш талаб этилади.

Бугунги кунда партиямиз аъзоларининг 51 фоизини аёллар ташкил этаётгани ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ошиб бораётганидан далолат беради. Ҳозирги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Адолат" СДПдан 7 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида 11 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 88 нафар хотин-қиз депутат сифатида фаолият юритаётгани сиёсат майдонида ҳам хотин-қизларнинг ўз ўрни борлигини кўрсатади.

Шунингдек, "Адолат" СДП томонидан хотин-қизларга ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, коллежни битирувчи қизларнинг бандлигини таъминлашда, хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг олдини олиш, раҳбар лавозимларга аёлларнинг захира кадрларини шакллантириш, илм-фан тараққиётида илгор фаолият юритаётган олимпиадаларни ва илм соҳасига энди кириб келаётган ёш, иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш борасида самарали фаолият олиб борилмоқда.

Биз учун хотин-қизларни давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жабҳаларига жалб этиш, чуқур билим ва касб маҳоратига эга хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш ниҳоятда муҳимдир.

Бу, ўз навбатида, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида яна бир муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Зухра ИБРАГИМОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши Раисининг
ўринбосари, хотин-қизлар
қўмитаси раиси,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутатлигига 2-Тўртқўн сайлов
округидан кўрсатилган номзод

Олий кадриятлар инъикоси

Давром, Бошиқ 1-бетида

Давра суҳбатда "Тошкент-Аэро" ИБК шахсий таркиби, жамоатчилик вакиллари ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи И.Саипов йиғилганларга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирли воситаларини барпо этиш, халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини ошириш мақсадида юртимизда олиб борилган чора-тадбирлар ҳақида батафсил ахборот берди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати Партия дастурий мақсадларини ишлаб чиқиш ва мафқуравий ишлар бўлими мудирини М.Холиқо-



ва сўзга чиқиб, 2010 йил 12 ноябрдаги парламент палаталарининг қўшма мажлисида Президентимиз томонидан илгари сурилган Концепцияга асосан, 2011 ва 2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида сўз юритиб, мамлакатимизда демократик ислохотлар янада чуқурлашгани, шу жумладан, ижро

этувчи ҳокимият фаолияти устидан жамоатчилик (парламент) назоратининг ўрнатилиши, Ҳукуматни шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли катта аҳамият касб этиши тўғрисида гапириб ўтди.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси Тарғибот ва ҳуқуқий маърифат бўлими бошлиғи Абдор Бердиев Асосий Қонунимизда бой давлатчилик тарихимиз аънавалари, миллий ва

умуминсоний кадриятлар, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироқ этилган қоидаларини ўз ифодасини топганлигини таъкидлади.

Тадбир якунида «Адолат» социал-демократик партияси томонидан ўзига хос викторина ташкил этилди. Давра суҳбати меҳмонларига эсдалик совғалар топширилди.

ДБҚ матбуот хизмати

КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ

Сайлов — 2014

Сурхондарё вилоятида жорий йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтadиган сайловга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Бу сайловда вилоятдан бир ярим миллиондан ортиқ сайловчи иштирок этади. Уларнинг 190 мингдан зиёди биринчи марта сайловда қатнашаётган йигит-қизлардир. ЎЗА мухбири сайловда илк марта овоз бердиган ёшлар билан суҳбатлади.

Нилуфар ЮСУПОВА,
Термиз давлат университети талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси:

— Соғлом бола йили менинг ҳаётимда унутилмас воқеаларга бой бўлди. Президентимиз фармонига мувофиқ санъат соҳасидаги изланишларим Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. Термиз санъат коллежини муваффақиятли тугатиб, Термиз давлат университети талабалари сафига қўшилдим. Ана шундай қувончли йилда сайловда илк марта иштирок этаётганимдан faxрланаман.

Мамлакатимизда биз, ёшларнинг ўқиб-изланишимиз, истеъдод ва қобилиятимизни кенг намоян этишимиз учун барча шароит яратилган. Термиз

санъат коллежида рақс санъатини чуқур ўргандим. Сайловда иштирок этиш Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз ҳаётининг бундан-да фаровон бўлишига ҳисса қўшиш учун катта имкониятдир. 21 декабрь куни биринчи марта ўз хоҳиш-иродамни эркин ифода этиб, муносиб номзодлар учун овоз бераман.

Маҳбуба ҚАРШИЕВА,
ёш тадбиркор:

— Давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайлов йилида коллежини муваффақиятли тамомлаб, мустақил ҳаётга йўлланма олдим. Тикувчилик йўналишидаги бизнес режамини "Микрокредитбанк" қўллаб-қувватлаб, имтиёзли кредит ажратди. Ушбу маблағ эвазига оилавий корхона таш-

кил этиб, замонавий дастгоҳлар харид қилдим. Онам ва opaм билан биргаликда хотин-қизлар, болалар кийим-кечаклари, дарпардалар тикиб, бюрутмачи-ларга ўз вақтида етказиб бермоқдамиз.

Юртимизда тадбиркорликнинг жадал ривожланишида қабул қилинаётган қонунларнинг аҳамияти беқиёс. Бинобарин, бўлажак сайлов зиммамизга катта масъулият юклайди. Сайлов арафасида сиёсий партияларнинг платформаси ва номзодлар дастури билан танишмоқдамиз. Бу йил сайловда илк марта қатнашаман. Бош қомусимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқимдан фойдаланиб, сайловдод дастурида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-

иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий секторни юксалтириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшишни мақсад қилган номзодга овоз бераман.

Маъруфжон МУРОДУЛЛАЕВ,
Термиз олимпия захиралари коллежи ўқувчиси:

— Сарийсиё туманида туғилиб, вояга етдим. Болаликдан спортнинг енгил атлетика тури билан шуғулланаман. Қишлоғимизда спорт билан дўст тутишни учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Кенг, ёруғ болалар спортини ишқооли замонавий усулда жиҳозланган. Отамнинг айтишича, улар бундай шароитларни орзу ҳам қилмаган экан. Коллежда ҳам ҳавас қиладиган шароитлар яратилган. Спорт туфайли дунёнинг

турли давлатларида бўлдим, нуфузли мусобақаларда Ўзбекистон ёшлари ҳеч қимдан кам эмаслигини намоян этишга ҳаракат қилдим. Шу йил Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида бўлиб ўтган II Парасийё ўйинларида 800-1500 метр масофага югуриш бўйича иккита олтин медални қўлга киритдим. 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XV Паралимпия ўйинларида иштирок этишга йўлланма олдим.

Биз, ёшлар бўлажак сайловда фаол иштирок этиб, эртанги порлоқ келажагимиз, юртимиз равнақи ва осийишталиги учун овоз берамиз.

ЎЗА мухбири
Х.МАМАТРАЙИМОВ
ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Тиббий ёрдам сифатини янада ошириш партиямиз дастурий вазифаларидан биридир

Юртимизда аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир кенг кўламли ишлар салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Келажагимиз вориси бўлган фарзандларимизнинг камолоти, соғлом авлодни вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада мустақкам ҳуқуқий асослар яратилган.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилояти кенгаши томонидан ҳам ушбу соҳага доир қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳамда партиямизнинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этишга қаратилган бир қатор амалий ишлар қилинмоқда.



қурик-танловлари ёш "адолат"-чиларнинг сиёсий фаоллиги ортаётгани, ўз тенгдошлари ўртасида партия гояларини кенг ёйиш орқали улар муносиб издошларимизга айланаётганини кўрсатмоқда.

Эл саломатлиги йўлида ҳам-жihatликда амалга оширилаётган бундай саъй-ҳаракатлар партиямиз сафида тиббиётчиларнинг сони янада ортишига ҳам ижобий таъсир кўрсатаётгани қувонарли ҳол, албатта. Ҳозирги кунда вилоят бўйича партиямиз сафидаги тиббиёт ходимлари сони 2800 нафардан ортди.

2013 йилда "Адолат" СДП тизимидаги бошланғич партия ташкилотлари ўртасида ўтказилган танловда Андижон тумани С.Раҳимов номи қишлоқ врачлик пунктидаги бошланғич партия ташкилоти республикада "Энг намунали БПТ" деб топилганлиги вилоятимиздаги барча қуйи ташкилотлар жамоаларида фаолликнинг кучайишига ижобий таъсир кўрсатди. Айни кунларда ҳам мазкур БПТ бошқа қуйи ташкилотларга ибрат кўрсатмоқда.

Сайловолди дастурида қайд этилганидек, аҳолининг кенг қатламларида кўрсатилган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тиббиёт муассасаларида соғлиқни сақлаш тизими ходимлари масъулиятини кучайтириш билан боғлиқ жараёнлар. Шу билан бирга, дорихоналар хизмати-ни тўри ташкил этиш ҳам долзарб аҳамиятга эга. Бунда дорӣ воситаларининг ноқонуний айланиши, қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори-дармон-воситалари сотилиши билан олдини олиш масаласи халқ кўнглини аҳамият қасб этади.

Айни шу масаланинг партиямиз Сайловолди дастуридан ўрин олгани бежиз эмас. Шунингдек, скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғуруқ мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари фаолиятини доимий такомиллаштириш бориш эл саломатлиги, соғлом авлодни вояга етказиш йўлидаги умумий мақсадларимизга хизмат қилади.

Алишер ШОДМОНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Андижон вилояти
кенгаши раиси,
Андижон давлат тиббиёт
институтининг ректори,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутатлигига
18-Избоскан сайлов округидан
кўрсатилган номзод

Эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши, ўтказилаётган демократик ислохотларнинг самараси ҳамда уларни босқичма-босқич ҳуқуқлаштириб бориш, жамият ҳаётида ижтимоий адолат принципларининг қарор топиши одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятига бевосита боғлиқ. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "адолат бўлган жойда тартиб бўлади, тартиб бўлган жойда самара бўлади". Халқимиз истиқлол йилларида моҳият эътибори билан асрларга тенг келадиган тараққиёт йўлини босиб ўтди, қисқа вақт ичида жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзосига айланди.



Кичик муваффақиятлар катта ютуқларга етаклайди

Таъкидлаб ўтиш жоизки, жамият ҳаётида демократик тамойилларнинг устуворлигига эришишни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига тўла амал қилинишни эндиликда сиёсий партияларнинг таъсирчан, самарали фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Партияларро рақобат жамият ва миллат олдида турган умуммақсадга, халқимизнинг орзу-истакларига, мамлакат иқтисодий ҳар тарафлама мустақамлашга, одамлар турмуш тарзини янада яхшилашга қаратилган бўлса, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда фикрлар хилма-хиллигига эришиш, бу борада бир-биримизни тинглаш, бир-биримиздан ўрганиш маданиятини ўргансак, шунингдек, фаолиятимизни танқидий баҳолаб, янги марраларни белгилаб борсак, бу билан жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Жамият ҳаётига доир муҳим бир масалада баҳс-мунозара юритишнинг ҳам ўзига хос маданияти мавжуд. Томонлар умумий мақсадга эришишнинг турли йўл ва усуллари, қайси соҳаларга эътибор бериш, қандай қарорлар қабул қилиш, ўз умрини яшаб бўлган қандай андозалардан воз кечиш хусусида ўз қарашларини ҳолис баён қиладилар. Бу фикр қураида асосий эътиборини рақобатчилик нуктаи назари ёки дастурини тафтиш қилишга қаратган партия ёхуд сайловда иштирок этаётган номзод баҳс давомида ўз қарашларини, эътиборга молик гоя ва фикрларини електоратга тушунтириб бериш, сайловчилар хайрихоҳлигини оширишнинг мавжуд имкониятидан фойдаланолмай қолади. Жамиятнинг ҳамма аъзолари ҳам, табиийки, сиёсий партияларга аъзо эмас, аммо маълум тоифа одамлар, гарчи аъзо бўлмасалар-да, у ёки бу партия олиб бораётган сиёсатини, ўтказаятган тadbирларни қўллаб-қувватлайдиган хайрихоҳлардир. Бинобарин, партиянинг обрўси фақат аъзоларнинг сони билан эмас, хайрихоҳларнинг оз ёки кўплиги билан ҳам белгиланади.

Юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга эришишнинг зарурлиги жамиятимиз тараққиётининг бугунги босқичидан ҳам келиб чиқади. Мустақил Ватанимизнинг жаҳон ҳам-жамиятидаги ўрни ва нуфузи кундан-кунга мустақамлашиб бормоқда. Мамлакатимиз ҳозирга қадар инсон ҳуқуқларига доир 70 дан ортиқ муҳим шартнома ва келишувларга, БМТнинг йирик декларация, пакт ва конвенцияларига қўшилди. Дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан сиёсий-иқтисодий, парламентлараро, илмий, маданий-маърифий алоқаларимиз, тadbиркор ва ишбилармонларнинг қўшма фаолиятлари тобора кучайиб бормоқда. Мамлакатимизда тadbиркорликка кенг йўл очилгани, бу йўналишда халқаро андозаларга мос ҳуқуқий база, фаолият юритиш учун қулай шарт-шароит яратилгани хорижлик сармоядорларни ўзига жалб қилмоқда. Юртимизга келаятган сай-ёҳларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ижобий ўзгаришлар юз бераёт-тир. Сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг янада такомиллашгани, суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилган ислохотлар, давлат ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши, тadbиркор ва ишбилармонлар учун яратилаётган

имкониятлар, уларнинг ҳуқуқлари қатъиян ҳимоя қилинаётгани ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси жамият ҳаётида ижтимоий адолат принципларининг қарор топишини, инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг таъминлигини ўзининг бош мақсади, ҳаракат дастури қилиб белгиланган экан, юқоридаги вазифаларнинг тўла маънода амалга оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши, бу борада бошқа партияларга нисбатан фаол бўлиши талаб этилади.

Эндиликда ҳар бир киши ўз меҳнати самараларидан тўла баҳраманд бўлишга, бой-лик орттиришга, мулкка эгалик қилишга ва уни ўз фарзандларига мерос сифатида қолдириш ҳуқуқига эга. Суднинг ҳукмига эришишига, ҳўжалигига ҳеч ким аралашмайди. Бу ишонч ва хотиржамлик унга янада самарали ишлаш, ўз ҳаётини фаровонлаштириш имконини беради.

Ҳар бир инсон бу ёруғ оламда яшар экан, ҳаёти тинч, фаровон кечиниши озулаб, шунга интилиб яшайди, фарзанд тарбия қиладди, ўзидан яхши ном, эзгу амаллар қолишини ўйлайди. Одамларнинг бундай орзу-ниятлари келгуси авлод умрида ҳам давом этади ва ўзаро бирлашиб, жамият олдида турган умумий вазифага айланади. "Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё..." деганларидай, орзу ва амалий ҳаракатлар қаерда уйғунлик касб этса, ўша ерда ҳаёт фаровонлашади, элнинг дастурхони тўкин, мамлакат обод бўлади.

Эркин демократик жамият қуриш, дунёнинг тараққиёт топан давлатлари қаторидан мустақкам ўрин олиш, халқимизнинг муносиб турмуш тарзини таъминлаш, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик, аҳил-иноқликни сақлаш, келажақ авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш истиқлол йилларидаги энг олий мақсадимиз ҳисобланади. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир киши жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида бу вазифанинг нақадар масъулиятли, айни чоғда шарафли эканини қалбдан ҳис этиши, онг-шуурига сингдириши зарур.

Миллий юксалиш йўлига кирган, ўз олдида аниқ мақсадлар қўйган ҳар бир жамият, табиийки, узоқ давом этадиган бу жараёнда тараққиётнинг бир неча босқичларидан ўтади. Бир босқичнинг муваффақияти иккинчи босқич муваффақиятига, бир муаммонинг ҳал этилиши иккинчи муаммонинг ечимига асос бўлади. Дастлабки кичик ютуқлар кейинги катта муваффақиятларга замин ҳозирлайди. Энг муҳими, ҳар бир ижобий натижа одамларнинг руҳини кўтарди, олдинда янада фаровон ҳаёт келаятганига, турмуш тарзи янада яхшиланишига ишончни мустақамлайди. Ишонч бор жойда ижобий натижа ҳам бўлади, албатта.

Атабек ФАЗИЛОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Миллий
маркази етакчи мутахассиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутатлигига 107-Гурдон сайлов
округидан кўрсатилган номзод

"ВАТАН КЕЛАЖАГИ СЕНИНГ ҚЎЛИНГДА!"

тарғибот форуми давом этмоқда

Бухоро муҳандислик-техника институтида Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро вилояти кенгаши ҳамда бошқа бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда "Ватан келажаги сенин қўли-нда!" тарғибот форуми доирасида талаба-ёшлар билан давра суҳбати бўлиб ўтди.

— Юрт қудрати, салоҳияти, дунё мамлакатлари ўртасидаги обрўси унинг эртаси бўлган ёш авлоднинг нечоғли билимдонлиги ва етуқлигига боғлиқ, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро шаҳар кенгаши фаоли Мухлиса Амонова, — Истиқлолнинг илк кунлариданоқ ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол қилиб

вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Қувонарлиси, қалбида Ватан меҳри бекиёс, орзулари юксак ёшларимиз бундай шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, катта ютуқларга эришмоқдалар.

Маълумки, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларда нодават ташкилотларнинг ҳам ўз муносиб ўрни бор. Хусусан, ёшларнинг эзгу мақсадлар сари интилишларида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Ёшлар билан ишлаш бўлими том маънода кўмак бермоқда. Бу саъй-ҳаракатлар аҳоли ўртасида партиянинг нуфузи янада ошиб, електорат сони кенгайишига ҳам хизмат қилмоқда. Ай-

ниқса, партия сафи интилувчан, ташаббускор, ўз билим ва салоҳияти билан тенгдошларига ўрнак бўлувчи йигит-қизлар билан ортаёттир.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда партия ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга астойдил бел боғлаган.

Тadbир қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди ва қатнашчиларда илиқ таас-сурот қолдирди.

Обид ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Бухоро вилояти кенгаши
матбуот котиби

➤ Сиёсий ўқув

"Ўзбекистон темир йўллари" ДАК-га қарашли "Сиҳатгоҳ" санаторийси биносида Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар учун "Сайловолди ташвиқоти: мазмун-моҳияти, ҳуқуқий асослари, турлари, шакллари ва усуллари" мавзу-

сида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Семинар-тренинг давомида иштирокчилар сайлов қонунчилиги, бу борадаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилишининг аҳамияти, сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби ва усуллари оид ҳуқуқий нормаларнинг мазмуни, сайловолди ташвиқотини амалга ошириш жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган сиёсий технологиялар юзасидан маърузалар тинглашди.

Тadbирда сиёсий партия кузатув-чиси ҳамда ваколатли вакилнинг

НОМЗОДЛАР РАҚОБАТИ таъсирчан ташвиқотда акс этмоқда

сайловда иштирок этиш тартиби, бу борада сайлов қонунчилигида белгиланган ҳуқуқий нормаларнинг мазмун-моҳияти хусусида атрофлича фикр юритилди.

Номзодларнинг матбуот ва оммавий ахборот воситаларида, жумладан, радио, телевидение, газеталар минбаридан унумли фойдаланишлари тарғибот ва ташвиқот ишла-

ри қутилган натижаларни беришига яқиндан кўмаклашиши, шу билан бирга, сайловолди ташвиқотида сиёсий рекламанинг таъсирчан аҳамияти алоҳида қайд этилди.

Айни пайтда қизгин давом этаётган тарғибот-ташвиқот тadbирларида тажрибалардан келиб чиқиб, номзодлар ўзларини қизиқтирган саволлар юзасидан мутахассислар

билан ўзаро фикр алмашишди. Тарғибот жараёнларида ҳам кечаётган ҳолис рақобат ҳар бир номзод ва ишончли вакилларнинг сиёсий маҳоратини сайловчилар кўз олдида намоён қилмоқда.

Сиёсий ўқув иштирокчилари гуруҳларга бўлинган ҳолда амалий машғулотлар олиб боришди.

Шунингдек, Урганч давлат университетидеда Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилояти кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Хоразм вилоят ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар учун "Сайловолди ташвиқоти: мазмун-моҳияти, ҳуқуқий асослари, шакллари ва усуллари" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Бобир ОТАМУРОВА,
Замира АБДУЛЛАЕВА

БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСИ

Давоми. Бошқ. 1-бетда

Шу боис ҳам мамлакатимизнинг кўплаб ўқув муассасалари ўзбек тили билан бир вақтда инглиз, француз, немис, рус, тожик, қозоқ, туркман, япон, хитой, корейс, араб, хинд ва бошқа хорижий тилларни ҳам ўрганишга йўналтирилган.

Бош Қомусимизда ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги ва бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши белгилаб қўйилган. Унинг замирида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Қадрлар тайёрлаш" ҳамда "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш" Миллий дастурлари ўз самарасини бермоқда. Айниқса, ёшларга таълим олиш ва жисмоний тарбия билан шугулланиш учун яратилган шароитлар ва бу борада жаҳон миқёсида эришган ютуқларимиз фикримизнинг яққол далили бўла олади.

Маълумки, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, инсонпарварлик ғояларини ҳаётга татбиқ этиш бевосита оила билан боғлиқ жараён. Шу сабабли ҳам Конституциямизда ўз ифодасини топган оила давлат негизини ташкил этиши, оиланинг давлат ва жамият ҳимоясида бўлиши, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза этилиши, ҳар бир ота-она ўз фарзандини тарбиялашга ва моддий таъминлашга, ҳар бир вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзанд ота-оналари ҳақида гам-хўрлик қилишга мажбуриятини тўғрисидаги меъёрлар миллий қадриятларимиз ва урф-

одатларимизга тўлиқ ҳам-оҳангдир.

Бундан ташқари, Бош Қомусимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлигини сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Унга кўра ҳар ким қариганда, меҳнат лажқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ва ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Дарҳақиқат, ҳар бир оиланинг, айниқса кексаларимиз, аёлларимиз, фарзандларимизнинг ижтимоий муҳофазасига йўналтирилган конституциявий меъёрлар жамиятда инсон омилини ҳимоя қилувчи умуминсоний қарашларнинг ёрқин ифодасидир.

Шахсий мулкка эга бўлиш ва унинг дахлсизлиги масалалари ҳам Конституциямизда алоҳида ўрин эгаллаган. Унга мувофиқ ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли бўлиб, шахсий ва ҳусусий мулклар ҳам бошқа мулклар сингари тенг ҳуқуқли ҳисобланиши ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши кафолатланади.

Бундай конституциявий меъёр ҳар бир шахсга, у жисмоний шахс бўладими, юридик шахс бўладими мулкнинг дахлсизлиги ҳуқуқидан фойдаланиш имконини беради. Ўтган йилги қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ҳусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни мулкдорлар ҳуқуқларининг устуворлигини белгилаб берди. Ушбу қонунга мувофиқ мулкдорнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида мулкдор ҳуқуқларининг

устуворлиги принципи амал қилади, унга кўра қонун ҳужжатларидаги ҳусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар мулкдорнинг фойдасига талкин этилади.

Конституциямизнинг яна бир бағрикенглик жиҳати шундаки, унда халқимизга эътиқод эркинлиги берилган. Тошкент ислом университетининг очилганлиги, мамлакатимизда юзлаб жомъе масжидлари ва бошқа динларга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатаётганлиги, минглаб ватандошларимизнинг муборак ҳаж сафарларида бўлаётганлиги, бўлиш бу — бизнинг миллий қадриятимиз, хулқ-атворимиз сирасига кирди.

Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъқиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Конституциямизнинг яна бир бош мақсади бу — жамиятда жабр-зулмга йўл қўймасликдир. Инсонни ҳаётдан маҳрум этиш бу — энг катта зулм ҳисобланади.

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" номи асариде келтирилган таъбири билан айтганда: "Инсоннинг ажайиб жисми бир махфий сир ҳазинаси ўлароқ, ўзида ана шу ганж тилсимини сақлайди. Бу тилсим жон бўлиб, у ўша ҳазинада туради". Дарҳақиқат, инсон қайси жамиятда бўлмасин, жон-у танини асраш, эркин яшаш имконига эга бўлмоғи лозим.

Ана шундай эзгу мақсадлар билан йўрилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир", деб белгилаб қўйилган. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда инсон ҳаёти дахлсиз ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон халқининг манфаати, инсонийлик ва эзгулик тамойилларига асосланган Конституциямиз — барча ҳуқуқ ва эркинликларимиз, шахсий дахлсизлигимиз кафолати, бахтимиз қомусидир.

ланиш каби зўравонликлар мустабиллик даврининг юртимиз тарихида қолган қора доғлари ёдимиздан чиққан эмас.

Жиоиятни очиш учун жисмоний ва руҳий таъсир кўрсатиш бизнинг адолатли жамиятимизга, инсонпарвар халқимизга мутлақо ёт одат. Инсонни улуглаш, инсонни қадрлаш, инсонга нисбатан инсоний муносабатда бўлиш ғояси XVIII аср фикр (ҳуқуқ) намоияндаси Сўфи Оллоёр томонидан шундай ёритилган:

"Кел, эй мўмин,
ҳамиша хуш инсон бўл,
ки инсон бўлса
ҳар ким меҳрибон бўл".

Шундай экан, инсонга нисбатан инсоний муносабатда бўлиш бу — бизнинг миллий қадриятимиз, хулқ-атворимиз сирасига кирди.

Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъқиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Конституциямизнинг яна бир бош мақсади бу — жамиятда жабр-зулмга йўл қўймасликдир. Инсонни ҳаётдан маҳрум этиш бу — энг катта зулм ҳисобланади.

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" номи асариде келтирилган таъбири билан айтганда: "Инсоннинг ажайиб жисми бир махфий сир ҳазинаси ўлароқ, ўзида ана шу ганж тилсимини сақлайди. Бу тилсим жон бўлиб, у ўша ҳазинада туради". Дарҳақиқат, инсон қайси жамиятда бўлмасин, жон-у танини асраш, эркин яшаш имконига эга бўлмоғи лозим.

Ана шундай эзгу мақсадлар билан йўрилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир", деб белгилаб қўйилган. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда инсон ҳаёти дахлсиз ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон халқининг манфаати, инсонийлик ва эзгулик тамойилларига асосланган Конституциямиз — барча ҳуқуқ ва эркинликларимиз, шахсий дахлсизлигимиз кафолати, бахтимиз қомусидир.

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
депутати

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Юрт келажаги ёшлар қўлида

Ҳозирги пайтда аъзоларининг кўпчилигини ёшлар ташкил этаётган, "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун" эзгу ғояларини ўзининг бош шioriга айлантирган Ўзбекистон "Адолат" СДП фаолиятида ёшлар сиёсатининг салмоғи катта. Мазкур йўналишдаги барча долзарб вазифалар сиёсий кучнинг Сайловолди дастурида ўзининг тўлақонли ифодасини топган.

Жумладан, партия ўз электорати, тарафдорлари ва хайрихоҳлари, қолаверса, кўп сонли сайловчиларининг ҳам бу борадаги манфаатларини ёқлаб бой амалий таклиф ва ташаббусларни илгари сурмоқда. Қонун ижодкорлигини ривожлантириш билан бирга соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга, аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилашга эришмоқда. Ўз фаолиятини соғлиқни сақлашнинг давлат секторини мустаҳкамлаш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтиришга йўналтирди. Шу ўринда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида белгилаган ёшларга оид муҳим вазифалар ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Юртбошимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриямалга айланди. Мазкур қарорга мувофиқ мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги дастур ишлаб чиқилди. Унда юртимиз аҳолисининг деярли 50 фоиздан кўпини ташкил этаётган болалар ва 24 ёшгача бўлган ёшларнинг барча қизиқиш ва интилишлари ҳисобга олиниб, уларнинг кенг қўламли ислохотлардаги фаол иштирокини таъминлаш масалалари қамраб олинди. Шу билан бирга, юксак маънавиятли, эркин ва мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга алоҳида ургу берилди. Шунини мамнун билан қайд этиш жоизки, ёшларга оид давлат сиёсати Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, янги авлоднинг шахс сифатида шаклланиши, ижодий иқтидори, жамият манфаатлари йўлидаги орзу-мақсадлари тўла-тўқис рўйбга чиқиши учун ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратди. Миллати, ирки, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, мавқеи, жинси, маълумоти ва эътиқодидан қатъи назар, ёшлар тўғрисида гамхўрлик қилиш, янги авлодни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, миллий, маданий анъаналарнинг авлоддан-авлодга ўтишига эришиш, авлодларнинг маънавий алоқасини кучайтириш, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, фаоллигини оширишдек эзгу мақсадларини кўзлаган бу изчил сиёсат ўғил-қизларимизни эртанги кунимизнинг муносиб ворислари бўлиб етишиб, бахтли-содатли турмуш кечиришларига хизмат қилди.

Партия ташаббуси билан юзага келган "Шаҳарда ва қишлоқда бир хил шароит" лойиҳаси мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида болаларни тиббий хизмат билан таъминлаш тизимини мустаҳкамлашда кўл келмоқда. Қатор йиллардан буён ўтказиб келинётган мазкур лойиҳа болалар саломатлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этапти. Лойиҳага асосан "Адолат" СДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари томонидан сайлов округларида мактаб ва мактабгача таълим муассасаларидаги тиббиёт хоналари кўриб чиқилмоқда. Уларнинг аҳоли ўрганилиб, санитария-гигиена қоидаларига қай даражада мос келиши билан танишилмоқда. Бу масканларнинг манбалари, жиҳозланиши, дори-дармонлар билан таъминланганлиги ҳолатлари ўрганилди. Мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари-



даги шифокорларнинг ойлик маошлари, бу маошларнинг қайси тизим орқали ажратилиши депутатларнинг синчков нигоҳидан четда қолмаяпти.

Партия лойиҳаси доирасида жамланган барча материаллар ўз вақтида ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиниб, уларга мувофиқ аниқ ва фойдали таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, мазкур лойиҳанинг жойларда изчил амалга оширилиши эвазига "Мактаб ва мактабгача таълим муассасаларидаги тиббиёт пунктларининг болаларга қўрсатиладиган тиббий хизмати самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарорнинг қабул қилинишига эришилганлиги партиявий фаолиятда муҳим янгилик бўлди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилиб, "Мамлакатимизда мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлашнинг ҳолати ва истиқболлари" мавзусида видеоконференция ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, бу янгиликнинг аҳамияти беқиёсдир. Ахир ҳар бир ривожланган кудратли давлат энг аввало, унда истиқомат қилаётган аҳолининг жисмонан ва руҳий соғломлик даражаси, интеллектуал салоҳияти, замонавий билим ва кўникмалари, дунёқараши, юксак маданияти, маънавияти, келажакка дадил интилиши билан ажралиб туради.

Мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари шаҳар марказларида барпо этилган сув ҳавзалари, спорт заллари ва майдонларида жисмоний тарбия ва спортни ўзига дўст билган ёшлар сонни тобора кўпайтапти. Соғлом ва маънан етук ёшларни тарбиялашда жамоатчилик салоҳиятидан, маҳалла ва бошқа нодавлат но-тижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар кўмагидан умумий фойдаланиш фойдадан холи бўлмайдми.

Ўз фаолиятини соғлиқни сақлашнинг давлат секторини мустаҳкамлаш тизимини кучайтиришга йўналтираётган "Адолат" СДП бундан буён ҳам бу борада фаол иш олиб боради. Ёшлар саломатлигини сақлаш масаласи партия Сайловолди дастурида устувор аҳамият касб этади. Бу ўта муҳим ва долзарб вазифалар Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари — профессионал парламент, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳаси мутасадди раҳбарлари, олимлар, амалиёт ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Жумладан, қонунчилик бўйича жаҳон тажрибасини чуқур ва кенг ўрганиш асосида тиббиёт тизимида бунгунги кунда мавжуд бўлган ва вужудга келаятган янги-дан-янги муносабатларни тартибга солишга қаратилган прогрессив, халққил қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиниши, соҳага оид қонунлар ижросини тўлиқ таъминлашга эътиборни янада кучайтириши тақозо этади.

Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати
"Аёллар ва ёшларнинг сиёсий
фаолиятини ошириш" бўлими мудири,
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутатлигига 19-Хортум сайлов округидан
кўрсатилган номзод

ГУРУР ВА ИФТИХОРИМИЗ РАМЗИ

Партиямизнинг ҳудудий кенгашлари ва ташкилотларида Конституциямиз қабул қилинганнинг 22 йиллигига бағишланган кўплаб тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан ушбу қутлуг санага бағишланган "Инсон манфаатлари — энг олий қадрият" мавзусида тадбир ўтказилди. Нукус шаҳар партия кенгаши таркибидеги БПТлар раислари ва фаол ёшлар иштирокида ўтказилган мазкур тадбирда

Асосий Қонунимиз мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, ёшлар қалбида Бош Қомусимизга бўлган ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлаш, жойларда ташкил этиладиган байрам тадбирларида партия аъзоларининг фаол иштирокини таъминлаш ҳақида сўз юритилди. Ийгиликлар "Адолат" СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Р.Отарбаевнинг "Эркин элнинг эрк ва бахт қомуси" мавзусидаги маърузасини тингладилар. Тадбирда сўзга чиққан "Эко-

сан" халқро хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси Н.Мирзамуратов ва партиянинг Нукус шаҳар кенгаши "Аёллар қаноти" раҳбари М.Қабулвалар Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунларга юксак ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлиш юртимиз ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчи эканлигини яна бир қарра таъкидлаб ўтишди.

Шарипа ТОРЕШОВА

БУРЧ ВА МАЖБУРИЯТЛАРГА РИОЯ ЭТИШ

Юртдошларимиз, айниқса, ёшларнинг онг-шуурида фуқаролик позициясини шакллантириш ва мустаҳкамлашда, жумладан, уларнинг ўз конституциявий бурч ва мажбуриятларини тобора чуқурроқ англашлари катта аҳамиятга эга. Фуқароларнинг конституциявий бурч ва мажбуриятларининг мазмун-моҳияти, уларнинг бошқа қонуний ҳамда ҳаётий бурч ва мажбуриятлардан фарқли хусусиятлари ҳақида Адлия вазирлиги Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси бош маслаҳатчиси Жасур СИРОЖЕВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Асосий Қонунимизнинг иккинчи бўлими XI боби "Фуқароларнинг бурчлари" деб номланиб, 47-моддасида "Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар", деб кўрсатилган. Бош Қомусимизнинг ушбу бобидеги бошқа моддаларида ҳар биримизнинг бурч ва мажбуриятларимиз белгилаб қўйилган. Демак, Ўзбекистон

Республикасининг ҳар бир фуқароси Конституция ва қонунларга риоя этиши, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши, халқнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асраши, атроф табиий мухитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши, шунингдек, солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаши ва энг асосийси, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиши лозим.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг Бош Қомусимизда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва бурчлари ўз ҳуқуқий табиатида кўра асосий ҳуқуқ ва бурчлар бўлиб хизмат қилади. Қолган бошқа турли хил ва жуда кўп ҳуқуқ ва бурчлар мана шу аснода келиб чиқади ва келажакда фуқароларнинг ҳуқуқий ҳаётида катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Конституцияга асосан, демократия Ўзбекистон Республикасида умуминсоний принципларга, яъни инсон энг олий қадрият, деган ғоя асосига қурилади. Ҳар бир фуқаро қонун олдида тенгдир ва бошқа фуқароларнинг миллати, тили, дини ва эътиқодини ҳурмат қилиши, шунингдек, унинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишида бошқа шахс, давлат ва жамият манфаатларига зиён етказмаслиги, шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан қонун доираси-

дан чиқмаган ҳолда фойдаланиши лозим. Шахс қонундан ташқари хатти-ҳаракат содир этганида, бу ҳол унинг қонун томонидан жазоланишига сабаб бўлади. Шахснинг ўз конституциявий бурчларини бажармаслигидан ана шундай қонуний жавобгарлик келиб чиқади.

Фуқароларнинг атроф табиий мухитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунда белгилаган бўлиб, Табиатни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан фойдаланиш, ер, сув, ўрмон ва атмосфера ҳавосини сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан муҳофаза қилинади.

Фуқароларнинг солиқ тўлаш мажбурияти Ўзбекистонда фуқаролар қонун билан белгилаган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурийлигини англатади ва бу ҳақида давлатимиз томонидан қатор қонун ҳужжатлари чиқарилган бўлиб, солиқ тўлашдан бош тортиган шахслар тегишли маъмурий ва жисмоний жавобгарликка тортилдилар.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар биримиз конституциявий бурчимизни бажариш орқали давлат томонидан белгилаган ҳуқуқ ва эркинликларимиздан ҳам тўлиқ фойдаланамиз.

**"Adolat" мухбири
Д.МАТКАРИМОВА ёзиб олди.**

Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги — тараққиёт кафолати

Давомий боши 1-бетда

Шу ўринда таъкидлаб айтиш керакки, истиқлолимизнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда янги даврнинг янги авлодини тарбиялаш иши давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шунингдек, "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлашнинг янги тизimini яратишга асос бўлди. Айни чоғда, таълим-тарбияга доир илғор, дунё стандартларига мос, шу билан бирга, халқимизнинг миллий-маънавий қадриятларига ҳамоҳанг усулларни амалиётга жорий этиш, таълим соҳасида юксак самарадорликка эришиш йўлларини кўрсатиб берди. Таълим тизimini ягона ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуи сифатида шакллантириш ва босқинчабосқич ривожлантириш, янги талабларга жавоб бера оладиган педагог кадрларнинг малакасини ошириш иши мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлиги остида ўтказилаётган ислохотлардан кўзланган бош мақсад билан уйғунлашди. Янги тизим олдига узлуксиз таълимнинг мустақил шакли бўлган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизimini шакллантириш, қисқа муддат ичида бу соҳаларни ўқув дарсликлари, меъёрий-ҳуқуқий, услубий-методик қўлланмалар, кўргазмали куроллар, малакали устоз-мураббийлар билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга, таълим-тарбия ишида аввалдан мавжуд бўлган устоз-шогирд аъёнларини тиклаш зарурияти ҳам пайдо бўлди. Бугун — мустақилликнинг йиғирма учинчи йилда, ўтиш даврида мамлакат ҳаётида гоят мураккаб муаммолар мавжудлигига қарамай, ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилгани мустақилликни мустаҳкамлаш, янги, эркин демократик жамият асосларини вужудга келтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этганини қатъий ишонч билан айта оламиз.

Ёшлар тарбияси — кенг қамровли иш. Жамиятнинг ҳар бир ёш аъзоси замонавий билимларни чуқур эгаллаш билан бирга, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етуқ, улғ аждодлар меросидан, миллий ва умуминсоний қадриятлардан боха-

бар, уларга оғишмай амал қиладиган, жамият олдидаги ўз масъулиятини тўғри тушунган, иродаси мустаҳкам, иймони бақувват бўлиши керак. Бу фазилатлар бир-бирини тўлдирishi, бири иккинчисига пойдевор бўлиши, яъни, таълим ва тарбия жараёнида бир-бирига ҳамоҳанглик касб этиши лозим. Ёшлар замонавий билимларни яхши эгалласалару, маънавий,

тизими янгидан қад ростлади, йигит-қизларимизнинг тўла маънода таълим олиши, жисмонан соғлом бўлиб ўсиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилди.

Юртбошимиз томонидан 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор бу

лашга муносиб ҳисса қўшиш фаолиятнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган. Эътиборли жиҳати шундаки, партияимиз сафига бирлашган 102 минг 188 нафар маслақдошларимизнинг 41 минг 240 нафари, яъни 40,3 фоизини бугунги кунда ёшлар ташкил этмоқда. Янги авлод вакиллари Ўзбекистон сиёсий майдонида ўз электорати, тарафдорлари ва хайрихоҳлари манфаатларини ҳимоя қилаётган мустаҳкам сиёсий куч — Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг таянчи ва суянчига айланиб боришмоқда.

Мамнуният билан қайд эта оламиз, бугун "Адолат" социал-демократик партиясининг ёшлари мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳар қачонгидан фаол ҳаракат қилишмоқда. Бу уларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик жараёнидаги саъй-ҳаракатларида ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, ёшлар дунёқарадини тўғри шакллантиришда уларнинг миллат тарихи ва ўтмишини нечоғли яхши билиши, яқин-ўтмишда кечган воқеа-ҳодисалар моҳиятини тўғри англаши гоятда муҳим. Шу боис, истиқлол йилларида тўғрилиб ўсган ёшларга халқимизнинг мустақил тузум шароитида кечган маҳзун ҳаётини, мустақиллик арафасидаги ижтимоий-сиёсий ҳолатини, собиқ тузумдан бизга қандай мажрўх мерос қолганини, мамлакатимизда истиқлолимизнинг дастлабки қадамлари қандай кечганини, бу буюк неъматни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини, кейинги йилгирма уч йилда эришган ютуқларимизни, шу қисқа вақт ичида қандай оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтганимизни, истиқлолимизга қилинган ошқор-пинхона хуружларни, халқимизнинг сабр-бардоши ва бағрикенглигини, озода ва обод Ватанимизнинг буюк келажagini чуқур тушунишни, ёшларни янги зафарли марраларга даъват этиш партияимизнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Қаҳрамон Қўлдошев,
«Adolat» мухбири



Ушб олган сурат

одоб-ахлоқ, миллий қадриятларга амал қилишда ўқувсизлик қилсалар ёки аксинча миллий қадриятларни, урф-одатларимизни чуқур ўзлаштирсалару, замонавий билимлардан, фан-техника янгиликларидан, танлаган касбларига доир дунёдаги илғор тажрибалардан беҳабар бўлсалар, ҳар икки ҳолатда ҳам маълум муаммолар юзага келади. Шундай экан, таълим-тарбия ҳеч қачон мавсумий ишга айланмаслиги, бу жараён тарбиячилар, устоз-мураббийларнинг ҳамиша диққат марказида бўлмоғи зарур.

Орадан ўтган йилларга назар ташласак, мустақилликнинг ҳар бир йили, ҳар бир фаслида ёш авлод камолоти тўғрисидаги гамхўрлик гучо бўламан. Шу йиллар ичида олий ва ўрта махсус таълим

борада муҳим дастуриламаларга айланди.

Халқимизда "Умид билан сумиллий қадриятларни, урф-одатларимизни чуқур ўзлаштирсалару, замонавий билимлардан, фан-техника янгиликларидан, танлаган касбларига доир дунёдаги илғор тажрибалардан беҳабар бўлсалар, ҳар икки ҳолатда ҳам маълум муаммолар юзага келади. Шундай экан, таълим-тарбия ҳеч қачон мавсумий ишга айланмаслиги, бу жараён тарбиячилар, устоз-мураббийларнинг ҳамиша диққат марказида бўлмоғи зарур.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида соғлом ва баркамол авлодни тарбия-

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Битмас-туганмас хазинадан Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланайлик

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, табиат инсоният учун ўз бағрида асраб келаётган кўмир, газ, нефть захиралари вужудга келиши учун юзлаб миллионлаб, миллиардлаб йиллар керак бўлган. Афсуски, тамаддун, илмий-техника инқилоби юксак чўққиларга эришган сўнгги бир ярим-икки аср мобайнида бу захиралар дунёда аёвсиз тарзда талон-торож қилинмоқда. Бизнинг асримизга келиб ҳам бундай табиий бойликларга нисбатан эҳтиёж ўртача ҳисобда йилига 12 фоизга ортиб бормоқда.

Олимларнинг айтишича, табиат 11 минг йил давомида яратган табиий бойликларни бугунги кунга келиб инсоният бир йил ичида сарфламоқда!

Мутахассислар истеъмолчилик кайфияти шу тарзда давом этган тақдирда яқин ўттиз-қирқ йил ичида, ҳаттоки ундан ҳам аввалроқ айрим табиий захиралар буткул тугаши эҳтимоли мавжудлигини айтиб, бонг уришмоқда. Баъзи ҳисоб-китоблар эса қуйидагича: бутун сайёрамизда қолган нефть захираси 40-45 йилга, табиий газ 70-75 йилга, кўмир 165-170 йилга етади, ҳоло.

Аммо табиат шу ерда ҳам ўз бағридаги мавжудотлар учун бениҳоя меҳрибон эканлиги ўз ишотини топмоқда. Яъни, табиатнинг ўзи одамлар учун битмас-туганмас қайта тикланувчи энергия манбаларини бир кўриниши, ҳоло. Бунга шамол энергиясини қўшимча қилиб, Зеро, 1 МВт қувватга эга оддий шамол генератори 20 йил ичида камиди 29 минг тонна кўмир ёки 92 минг баррел нефтни иқтисод қилиш имкониятини яратди. Ёки гидроэнергияни олинг. Ахир дунё электр энергиясининг йилгирма фоизи шу усулда ишлаб чиқилмоқда. Ниҳоят, биоэнергетикани, геотермаль энергияни ҳам ҳисобга олсангиз, бу соҳа ҳали инсоният олдида турган "очилмаган кўрик" эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Шу сабабли ҳам Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сайловолди дастурида энергияни тежаш ва муқобил энергия манбаларини яратиш борасида изчил фаолият олиб боришга, бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини янада ривожлантиришга доимий эътибор қаратмоқда.

Бу жараёнда партияимиз иқтисодиётга янги, ресурсларни иқтисод қилувчи технологияларни барча чоралар билан жорий этиш тарафдори бўлиб келмоқда. Жумладан, мазкур дастури амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон "Адолат" СДП мунтазам равишда энергия сарфини иқтисод қилишни рағбатлантирувчи механизмлар яратиши, аҳоли ўртасида энергия ресурсларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни шакллантирадиган тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб боришга эътибор қаратмоқда. Айни пайтда уй-жой-коммунал соҳаси ва кундалик турмушда қуёш энергиясидан ҳамда бошқа қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш ҳам партияимизнинг доимий эътиборида.

Сайловолди дастурида белгиланган кенг қўламли мақсадларни амалга ошириш учун Ўзбекистон "Адолат" СДП муқобил энергия манбалари, жумладан, қуёш энергияси ривожланишини таъминлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, соҳадаги зарур стандарт ва меъёрларни тасдиқлаш борасида фаолият олиб бормоқда. Бу ўринда, айниқса муқобил энергетикани (қуёш энергетикаси; кичик дарёлар, сув омборлари ва ариқларнинг гидроқуввати; мотор ёқилғисини зичланган газ ва батареяларга йилган электр энергиясига алмаштириш; биогаз энергияси) жорий этиш ва рағбатлантириш юзасидан Давлат дастурини қабул қилиш масаласига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.



Зеро, олимларимизнинг кузатишларидан аён бўлишича, мамлакатимизда 51 миллиард тонна нефть эквивалентига тенг қайта тикланувчи энергия манбалари бор! Ахир қандай қилиб улардан, таъбир жоиз бўлса, оёғимиз остидаги, бошимиз устидаги битмас-туганмас хазинадан фойдаланмаслик мумкин?..

Қайта тикланадиган ноънавий энергия манбаларидан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва татбиқ этиш масалалари Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг доимий диққат марказида бўлиб келаётгани мақтовга сазовор. "Адолат"чилар энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратаётгани, бу борада, айниқса, қишлоқларда янги ижтимоий объектлар — қишлоқ врачлик пунктлари, болалар боғчалари ва яслилари, мактаблар, болалар спорти, телекоммуникация ва почта алоқаси объектларини қуришда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда, энергияни тежайдиган инновация тизимларини жорий этишга ҳаракат қилмоқда ва бунга муваффақ ҳам бўлмоқда.

Умуман олганда, партияимиз бу борадаги саъй-ҳаракатларини дунё тажрибаси билан қийинлашди.

Пойтахтимизда ўтган йилнинг 20-23 ноябрь кунлари Осиё қуёш энергияси форумининг 6-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда соҳанинг кўплаб таниқли хорижлик экспертлари, мутахассислари, олимлари иштирок этишди. Мазкур анжуман ҳам, кўнра Самарқандда Марказий Осиёда ягона иссиқлик электр станцияси бунёд этилаётганлиги ҳам айнан бизнинг юртимиз бу борада дунёнинг пешқадам мамлакатларидан бирига айланиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Албатта, ҳали олдинда қилинадиган ишлар мўл. Хусусан, жуда қисқа муддатда истеъмолда бўлган чўлпанма лампаларни энергиятежамкор лампаларга алмаштириш зарур, деб ўйлайман. Мана шу ишнинг ўзиёқ жуда катта миқдорда электр энергиясини тежаш имконини беради.

Бундан ташқари юртимизда шамол энергиясидан самарали фойдаланиш имкониятлари жуда катта...

Шубҳасиз, келажак — муқобил энергияларники. Аммо бу эртага ёки индинга битмас-туганмас энергия манбалари ишга тушади, деган гап эмас, албатта. Бу узоқ давом эгидиган жараён. Шундай экан, биз истеъмолчилар бугун оғиримизни энгил, ҳаётимизни фаровон қилаётган электр энергиясини, табиий газни имкон даражасида иқтисод қилишимиз лозим. Зеро, бу бойликлар келажак авлодларнинг ҳам насибаси.


Абдулла РАҲМОНОВ,
"TTZ-Metal" МЧЖ
корхонаси раҳбари,

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутатлигига 55-Қорандор сайлов
округидан кўрсатилган номзод

MT «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

акциядорлик компанияси жамоаси

мамлакатимиз аҳлини Бош Қомусимиз — Конституциямизнинг 22 йиллиги байрами билан чин қалбдан табриклайди!
Диёримизда доимо тинчлик-осойишталик, оилаларимизда кут-барак ва шоду хуррамлик барқарор бўлсин!



Ўзбекистон Республикаси вақтин матбуот нашрларига обуна бўлинг!

Reklama

Xizmatlar litsenziyalangan

Замонавий кўприклар кўпаймоқда

Яқинда Бухоро вилоятида давлат аҳамиятига эга Галасоё — Ромтан автомобиль йўлининг маълум қисми ҳамда Зарафшон дарёсининг эски ўзани устидаги кўприк таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Ушбу йўлнинг узвий қисми ҳисобланган кўприкнинг эни икки баробар — қарий 24 метрга кенгайтирилди. Унинг икки томонида пиёдалар

йўлакчаси қурилиб, тунги ёриткичлар ўрнатилди. Бу ишлар ҳайдовчи ва йўловчиларга катта қулайлик яратиш баробарида кўприкнинг ҳаракат хавфсизлиги-

ни таъминлаш даражасини оширди.

Вилоятда йўл қурилиши билан боғлиқ ишлар давом эттирилмоқда. Шу кунларда Олот, Вобкент, Ромтан ва Жондор туманларидаги давлат аҳамиятига эга автомобиль йўлларининг бир қисми — 78 километри таъмирланмоқда.

КАПИТАЛБАНК

МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ,
МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ«Капиталбанк» —
тадбиркор таянчи

➤ Молия муассасаларида

Ўзбекистон ривожланган давлатлар қатори-дан муносиб ўрин эгаллаш учун дадил инти-моқда. Бунинг самараси барча соҳаларда яққол намоён бўляпти. Чунончи, мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий юксалтиришга қаратилган ислохотларнинг бекиёс самаралари халқро микёсда ҳам ҳақли равишда эъти-роф этилмоқда.

Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпора-цияси «Бизнесни юритиш — 2015» бўйича мамлакатларнинг янги рейтингини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон «Кредит олиш» индикатори бўйича рейтинг кўрсаткичлари-нинг юқори ўсиш суръатини таъминлади. Яъни ўтган йилдагига нисбатан бир йўла 26 поғона илгариллаб, 104-ўринга чиқди.

Республикамизда аҳолига бизнес ишини ташкил этиши учун кредит ажратишда, уму-ман, янги турдаги банк кредитлари ва хизмат-ларини тақдим этишда молиявий муассасалар-дан бири — «Капиталбанк» АТБнинг ҳам муно-сиб ҳиссаси бор.

Айниқса, жамиятда хотин-қизлар ва ёшлар-нинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш банкнинг устувор мақсадидир. Хусусан, биргина 2014 йилнинг 11 ойи даво-мида тадбиркор аёлларга жами 63,690 милли-ард сўм миқдоридан, коллеж битирувчиларига эса жами 1,667 миллиард сўм кредитлар аж-ратилгани фикримиз тасдиғидир.

Бундай хайрли ишни нафақат пойтахт ёки шаҳар марказларида, балки республикамиз-нинг чекка ҳудудларида ҳам амалда татбиқ этишмоқда. Жумладан, қуйида банкнинг На-манган вилояти филиалидан кредит ажратил-ган айрим тадбиркорларнинг эътирофларини келтиришни жоиз билдик.

Жаҳонгир ХУСАНОВ, «Jahon Savdo Duri» масъулияти чек-ланган жамияти директори:

— Истиклол шарофати билан мамлакатимизда аҳоли-нинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиши учун тиб-бий хизматларнинг сифатини яхшилашга қаратилган ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яра-тилмоқда. Шу билан бирга, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга камарбас-та бўлаётган хусусий секторнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартиб-га солинган.

Бизнинг, аҳолига сифатли тиббий хизматлар кўрсати-б келаётган «Jahon Savdo Duri» масъулияти чекланган жамиятимиз ҳам 2013 йилда «Капиталбанк» АТБнинг На-манган филиали ёрдами билан мавжуд биномиз замон талабига мослаштирилиб, зарур моддий-техника билан таъминланди. Хусусан, ўша йили банк билан узоқ муд-датли бош келишув имзоланиб, ушбу келишув асосида 1 250,0 миллион сўм миқдоридан кредит ажратилди ва тиббий хизматни янада сифатли ташкил этиш учун жи-ҳозлар сотиб олдик. Лойиҳамиз амалга оширилиши на-тижасида қисқа вақт ичида янги 15 та иш ўрни яратил-ди. Эътиборлиси шундаки, жалб қилинган ишчиларнинг аксариятини коллеж битирувчилари ташкил этди.

Қисқа вақт ичида корхонамиз шаҳар микёсда ўз мав-қега эришди. 2014 йилнинг 6 ойи давомида 1 908,1 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

Бундай ютуқларга эришишда «Капиталбанк» АТБнинг ҳиссаси салмоғини инобатга олиб, келажақда банк би-лан алоқаларни янада кенгайтириб, хизмат кўрсатиш си-фатини яхшилаш ва хизмат кўрсатиш турларини кўпай-тиришни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйдик. Фурсатдан фойдаланиб, банк раҳбарияти, ишчи-ҳодимларига кўрсат-таётган юқори даражадаги хизмат учун миннатдорчилик билдирамиз.

Аюбхон БАЙМИРЗАЕВ, «Ахсин» масъулияти чекланган жамияти директори:

— Кийимнинг сифатли бўлишида тикувчи ва дизай-нернинг маҳорати, меҳнати билан бирга, унга сарфлан-ган газлама, матонинг, ҳатто ишлатилган ипнинг қанча-лик сифатли эканлиги муҳим аҳамиятга эга.

Кўп ўйламай, сифатли ип калава ишлаб чиқариш бўйича корхона ташкил этишга киришдик. Бунинг учун зарур ҳужжатларни жамлаб, «Капиталбанк» АТБнинг Наманган филиали ходимлари билан режамиз бўйича маслаҳат-лашдик. Улар филиалдаги кредит турлари, унинг шарт-лари ҳамда ажратиш тартиблари, кредитлаш имтиёзла-ри ва афзалликлари бўйича батафсил маълумот бериш-ди. Шу билан бирга, бизнес-режа тузишимга кўмаклаш-ди.

Шу аснода, калава ип ишлаб чиқаришни ташкил қилишни мақсад қилиб қўйган ҳолда корхона ва банк ўртасида 180,0 миллион сўм миқдоридан узоқ муддатли кредит шартномаси имзоланди. Кредит маблағи ёрда-мида Швейцарияда ишлаб чиқилган «Pieter» русумли ка-лава ип ишлаб чиқариш дастгоҳларини харид қилдик.

Лойиҳамиз амалга оширилиши натижасида қисқа вақт ичида 10 та иш ўрни яратилди. Асосийси, жалб қилин-ган ишчилар билими, зукко ўғил-қизлар бўлиб, ўрта махсус касб-хунар коллежини аъло баҳоларга тамомлаш-ган.

Қисқа вақт ичида корхонамиз шаҳар микёсда ўз мав-қега эга бўлди. 2014 йил 9 ойи давомида 76,9 миллион сўмлик калава ип ишлаб чиқарилишига эришдик.

Ўз мухбиримиз

Самарқанд вилоятидаги
«Икромов Ойбек қурилиш» МЧЖ

Жамоаси

юртдошларимизни
Конституциямизнинг
22 йиллиги билан
табриклайди!8
ДекабрьМеҳнатсевар халқимизга
сиҳат-саломатлик, оилавий
тинчлик, эзгу ва хайрли
ишларида омадлар тилайди!

Reklama

Xizmatlar litsenziyalangan

Самарқанд вилоятидаги
«Original maks lux» фермер хўжалиги
Жамоасибарча юртдошларимизни
ғурур ва ифтихоримиз
рамзига айланган
Конституциямизнинг
22 йиллиги
билан муборакбод этади!Эл-юрт
манфаати
йўлидаги эзгу
ишларингизга
муваффақият
тилаймиз!



Pharmed

хусусий корхонаси жамоаси

**Диёримиз аҳлини
Конституциямизнинг
22 йиллиги шодиёнаси билан
муборакбод этади!**

**Юрдошларимизга
сиҳат-саломатлик, фаровонлик,
қувонч, юрт тинчлиги ва
эл фаровонлиги йўлида
амалга ошираётган
бунёдкорлик ишларида
муваффақиятлар тилайди!**





Хурматли юртдошлар!

«АСАКА» БАНК

жамоаси Сизларни яқинлашиб келаётган
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг
22 йиллиги байрами

билан табриклайди ва куйидаги миллий валютадаги муддатли янги
омонат турини таклиф этади:

“Конституция-2014”

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар
ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталарда
90 дан ортиқ турдаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади.
Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.



Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Навой вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-49-93
Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-21-99
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	224-00-16
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23
Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-18-61
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги
омонатларини кафолатлаш фонди томонидан
кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- » солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- » маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- » эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- » миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгишни сақланиши ва қўпайишини кафолатлайди.

www.asakabank.com

Reklama

Xizmatlar litsenziyalangan

«ФАРҒОНА НЕФТЬ БАЗАСИ» УК ва КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТА жамоалари

Мамлакатимиз аҳлини
асосий Қомусимиз —
Конституциямиз
қабул қилинганлигининг
22 йиллик байрами билан
муборакбод этади.

88
Декабрь

Айёримиздан доимо
осойишталик,
қут-барака ва
шоуду хуррамлик
аримасин!



Reklama

Xizmatlar litsenziyalangan

ЭЗОП

(Тахминан миллиондан
оғдалги 640-560 йиллар)

Ikku g'ust va ayuk

Икки дўст ўрмонда айланиб юрганларида тўсатдан айиққа дуч келиб қолишди. Улардан биринчиси шошиб дарахтга чиқиб олибди ва айиқнинг чангалидан кутулиб қолибди. Иккинчиси эса, ҳеч нарса қўлидан келмаслигини билиб, ўзини ўлганга солиб ётиб олибди.

Айиқ ерда ётган кишининг олдига келиб, қулоғи-

ни ҳидлабди. Ҳатто уни туртиб ҳам кўрибди. Кишини ўлган деб ўйлаб, унга тегмасдан кетиб қолибди.

Айиқ кетгач, ҳалиги кишининг дўсти дарахтдан тушиб келиб:

— Дўстим, айиқ қулоғингга нима деб шивирлади?

— деб сўрабди.

— У менга: қийинчилик пайтида ташлаб кетадиган дўст билан саёҳатга чиқишни яхшилаб ўйлаб кўрмабсан-да, деди, холос, — деб жавоб берибди дўсти.

Қиссадан хисса: дўстлик қийинчиликда синалади.

Ўсмирлар турнири ўтказилди

Тошкент шаҳри
Яккасарой тумани
“Қушбеги” спорт
мажмуида “Соғлом
авлод учун” кубоги
учун стол тенниси
бўйича XI Респуб-
лика ўсмирлар
турнири ўтказил-
ди.

Ўсмирлар орасида
соғлом турмуш
тарзини тарғиб этиш
ва спортга бўлган
қизиқишни уйғотиш,
халқаро майдонларда
муносиб иштирок эта
оладиган спорт
усталарини тайёрлаш
мақсадида ўтказилган
турнирда республика-
мизнинг барча
вилоятлари, Қорақал-
поғистон Республика-
си ва Тошкент шаҳри-
дан 1-босқичда
ғолибликни қўлга
киритган жами 56
нафар 11-12 ёшли
ўсмирлар қатнашди.

Мусобақа иштирок-
чилари жуфтлик ва
якка тартибдаги
мусобақаларда ўзаро
беллашдилар.

Турнир ғолиблари
ташкilotчилар
томонидан тайёрлан-
ган дипломлар ва
совғалар билан
тақдирландилар.

Соодат СОДИҚОВА,
«Adolat» муҳбири

AGROBANK



Barcha yurtdoshlarimizni bosh qomusimizning
22 yilligi bilan muborakbod etgan holda
quyidagi xizmat turlarini taklif etamiz:

“INTERNET-BANKING” - to'lovlaringizni
masofadan turib amalga oshiring

“SMS-BANKING” - hisob raqamingizdagi mablag'lar
harakati to'g'risida doim xabardor bo'ling

Agrobankda “CLICK” hisob raqamini
oching va barcha to'lovlarni mobil aloqa
yordamida amalga oshiring

Yuridik shaxslar uchun mo'ljallangan depozit
sertifikatlari orqali pul mablag'laringizni ko'paytiring

Xalq farovonligi faolligimiz mezonini

www.agrobank.uz

Xizmatlar litsenziyalangan
Reklama

UZTELECOM

“Ўзбектелеком”

акциядорлик компанияси жамоаси

бунёдкор халқимизни
Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул
қилинганлигининг
22 йиллиги байрами
билан самимий
муборакбод этади!



Бугунги
тараққиётимиз,
халқимиз бахту
саодати, гўзал ва
фаровон турмуши-
мизни кафолатлаган
Бош Қомусимиз
йўлимизни мангу
нурафшон айласин.



Байрам кайфияти Сиз азия
юртдошларимизни асло тарк этмасин!

Reklama

Xizmatlar litsenziyalangan

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Ислоҳ ҲАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА
Наримон УМАРОВ
Собир ТУРСУНОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Зухра БОТИРОВА

Мамазов ХУЖАМБЕРДИЕВ
Қодир ЖўРАЕВ
Мўхаммад АЛИ
Талъат МУРОДОВ
Тошқўлат МАТИБАЕВ
Алишер МҰМИНОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими
— 288-46-54 (149);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-46-64 (146);
Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс;
Котибият — 288-46-64 (144).
Навбатчи муҳаррир — Илём САХАТОВ
Навбатчи — Фуломжон ХИДИРОВ

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят ружсати билан амалга оширилди.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят мазли: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgzt.uz / adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан 0018 рақами билан
2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп
этилади. Қорхона мазли: Тошкент
шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Қўроз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма
табоқ. Офсет усулида босилган.
Буюртма Г — 1200. Аади — 8222
Босишга топшириш вақти — 22.00
Босишга топширилади — 23.00
Баҳри келтирилган нарха

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2075-5237



1 2 3 4 5 6

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сийсий Кенгаши